

Икки томонлама хўжалик муносабатларини ифодаловчи мазкур шартнома Низом асосида иш юритувчи “Бинокор” хусусий корхонаси (кейинги ўринларда «Пудратчи» деб аталади) номидан раҳбари И.Сайдахмедов биринчи томон ва иккинчи томон Ўзбекистон Республикаси Қонунчилиги ҳамда ўз Низомига асосан фаолият юритувчи Фуркат тумани “Халқ таълими бўлими” номидан (келгусида “бююртмачи” деб аталади) раҳбари М.Ортиқов ўрталарида танлов асосида шаклланган ва лойиха сметага асосан куйидаги мақсадларда тузилади:

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ.

1.1. «Пудратчи» «Бююртмачи»га ўзаро келишув асосида нуқсон далолатномалари ва лойиха-смета хужжатларига кўра куйидаги турдаги жорий таъмирлаш ишларини бажариб беради.

3-сонли умумтаълим мактаби биноси иситиш тизимини жорий таъмирлаш ишларини 2022 йил июль ойидаги 121204-сонли лотта асосан нуқсонлар далолатномаси буйича бажариб бериш:

2. ШАРТНОМАНИНГ БАХОСИ.

2.1 Мазкур шартноманинг умумий киймати 29 950 000 (Йигирма тўққиз миллион тўққиз юз эллик минг) сўми ташкил қилади. ҚҚС (0.00) сўми ташкил қилади.

2.2 Бажариладиган иситиш тизимини жорий таъмирлаш ишларини хусусиятидан келиб чиқиб, тегишли хужжатлар расмийлаштирилади ва ўзаро келишувига асосан ушбу шартномага илова қилинади

2.3 Жорий таъмирлаш ишларини бажариш муддати 10 (ўн) кун

3. ХИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

3.1. Бажарилган иситиш тизимини жорий таъмирлаш ишлари учун ҳисоб-китоб сметада кўрсатилган нархларда, ҳар ойда бажарилган ишлар далолатномаси, сче́т-фактура ва бошқа тегишли хужжатлар расмийлаштирилиб “Бююртмачи” томонидан қабул қилиниб олингандан сўнг тўлов жадвали бўйича амалга оширилади. Келишилган нархларнинг шаклланиши учун бажарилиши лозим бўлган жорий таъмирлаш ишларини сметаси ёки калькуляция ва баҳолар пре́йскурантлари асос бўлиб ҳисобланади. Агар давлат назорат органлари томонидан ўтказилган текшириш ва тафтиш ишлар натижасида бажарилган жорий таъмирлаш ишларида хато ва камчиликлар топилиса, хато ва камчиликлар ушбу фарқ « Пудратчи » ҳисобидан қопланади.

3.2 «Бююртмачи» олдиндан 30% миқдорида туловни амалга оширади ҳамда тўлиқ ҳисоб-китобни «Пудратчи» жорий таъмирлаш ишларини бажаргандан сўнг 70% тўловини амалга оширади.

4. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ ТАРТИБИ ВА МУДДАТЛАРИ:

4.1. «Бююртмачи» томонидан олдиндан тулов амалга оширилган кундан бошлаб 3 кун муддат ичида “Пудратчи” томонидан таъмирлаш ишлари бошланиши шарт. Бажарилиши лозим бўлган ишлар “8” кун муддат ичида якунланиши шарт.

4.2. « Пудратчи » бажариладиган ишларни амалдаги қурилиш қондалари ва меъёрий талабларига мувофиқ бўлишини ва сифатли бажарилишини таъминлайди.

4.3 « Пудратчи » ишларнинг бажарилишини техника хавфсизлиги, меҳнат муҳофазаси ва ёнгин хавфсизлиги талабларига риоя қилган ҳолда амалга оширади.

5. ТОМОНЛАРНИ ХУКУК ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ.

5.1 « Пудратчи » мазкур шартномада назарда тутилган таъмирлаш ишларини тўлиқ ҳажмда ва белгиланган муддатларда бажариш мажбуриятини олади.

5.2 «Бююртмачи» таъмирлаш ишлари жараёнида бажарилаётган ишларни лойиха смета хужжатларига мослигини ва сифатини назорат қилиб боради.

5.3 «Бююртмачи» томонидан « Пудратчи » га таъмирлаш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиб берилди ва бажарилган ишлар бўйича тузилган Шакл-2 далолатномаларини қабул қилиб олади.

5.4 Бажарилган ишларда камчилик ва нуқсонлар аниқланган тақдирда, «Бююртмачи» томонидан далолатнома расмийлаштирилади ва 10 кун муддатда « Пудратчи » га хабар юборилади. « Пудратчи » томонидан ушбу аниқланган камчилик ва нуқсонлар ўз маблағи ва ўз кучи билан 10 кун давомида бартараф этилади.

6. ЖАРИМАЛАРНИ ҚЎЛЛАНИЛИШИ.

6.1. Томонлардан бири шартнома шартларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни тўлиқ қоплайди.

6.2 Агар «Пудратчи» томонидан бажарилиши лозим булган жорий таъмирлаш ишлари белгиланган муддатларида бошланмаса ва якунланмаса, « Пудратчи » бажарилмаган ишлар кийматини 0,5% миқдорида ҳар бир муддати ўтган кунни учун «Бююртмачи»га жарима тўлайди, лекин бунда жариманинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар кийматини 50% дан ошмаслиги керак.

6.3 «Пудратчи» томонидан таъмирлаш ишлари белгиланган муддатларда якунлангандан кейин «Бююртмачи» томонидан тўловлар ўз муддатида амалга оширилмаса, тўланмаган сумманинг 0,4% миқдорида ҳар бир муддати ўтган кун учун «Пудратчи» га жарима тўлайди, лекин бунда жариманинг умумий суммаси ўтказиб берилмаган маблағлар суммасини 50% дан ошмаслиги керак.

6.4.Шартнома талабларида кўрсатилган сифатлардаги ҳамда бутлашдаги мол-мулк берилмаган бўлса, айбдор тараф 20% миқдорида жарима тўлайди.

7. ФОРС-МАЖОР ХОЛАТЛАРИ:

7.1 Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажармаслиги табиат ҳодисалари, уруш, оммавий тартибсизликлар ва бошқа ёнгиб булмас куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса томонлар жавобгарликдан озод этиладилар.

7.2. Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришда томонлар коррупцияга қарши курашиш бўйича қондаларга, шу жумладан амалдаги қонуналарга риоя этилишини таъминлайди, яъни томонлар бир-бирига ёки давлат иштирокидаги ташкилот ходимига пора

бериш ёки пора беришда воситачилик қилиш, моддий ёхуд номоддий наф олишдан тийилиши лозим. Томонлар ушбу ҳаракатларнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар белгилаб олиншинин кафолатлайди.

8. ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР:

8.1 Ушбу шартномани бажариш, ўзгартириш ва уни бекор қилишда пайдо бўладиган низолар энг аввало тарафларнинг келишуви билан ҳал қилинади. Ўзаро келишилмаса **ИҚТИСОДИЙ** суди ва Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунлар тартибида ҳал қилинади.

8.2 Шартнома тарафларнинг ўзаро келишувига асосан ёки Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига ҳамда амалдаги қонун ҳужжатлари нормаларига биноан келтирилган зарарни тўлаган ҳолда муддатидан илгари бекор қилиш мумкин.

8.3 Ушбу шартнома имзоланган кундан бошлаб **2022 йил "31" декабр**гача амал қилади. Шартнома икки томонлама имзоланиб, фазначилик бўлинмасидан руйхатдан ўтказилгандан сунг қонуний кучга киради.

9. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ:

«Хизмат кўрсатувчи»
"Бинокор" х/к

(Хизмат кўрсатувчининг номи)

Манзил: Фуркат тумани
Калдушан қишлоғи
Тел./факс :911416148
х/в: 20208000002017882001
Банк номи: Микрокредитбанк Фарғона Фуркат

филиали

МФО: 00496 СТИР: 202292644
ОКОНХ: 61110

Раҳбар: И.Зайидхмедов

(имзо)



«Истеъмолчи»

Фуркат тумани Халқ таълими бўлими
(бюджетдан маблағ олувчининг номи)

Манзил: Фуркат тумани
Янги қишлоғи Анхор кўчаси 10-А уй
Тел./факс 73-54-91-430
ш/х: 100022860302387092100075039

бюджетдан маблағ олувчи СТИРи: 200201654
ОКОНХ: 92310

Фазна х/в :23402000300100001010
Банкнинг номи.Марказий Банк Тошкент ш.ББ ХККМ.
МФО: 00014 Фазначилик СТИРи: 201122919
Фуркат тумани бўйича Фазначилик бўлинмаси.
Раҳбар: М.Ортиқов
(Ф.И.Ш)

(имзо)





O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI
FARG'ONA VILOYAT ADLIYA BOSHQARMASI
FURQAT TUMAN ADLIYA BO'LIMI
YURIDIK XIZMAT KO'RSATISH MARKAZI

151700, Furqat tumani, Mevazor ko'chasi, 20-uy,
Tel.:(99873) 549 12 47, el. pochta: furqat-l-yumarkaz@adliya.uz

YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN
HUJJATLARGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY
XULOSA

27.07.2022 yil

Furqat tumani

1. Loyihaning turi: Shartnoma

2. Loyihaning nomi: Furqat tumani Xalq ta'limi bo'limi nomidan rahbari M.Ortiqov va "Binokor" xususiy korxonasi nomidan rahbari I.Sayidaxmedov o'rtasida budjetdan mablag' oluvchi mussasalarda joriy ta'mirlash ishlarini bajarish to'g'risidagi № 42-sonli shartnoma

3. Loyixa ishlab chiqilgan va markazga kiritilgan sana haqidagi ma'lumot:

Shartnoma loyihasi 2022-yil 25-iyul kuni ishlab chiqilgan va Yuridik xizmat ko'rsatish markaziga 2022-yil 27-iyul kuni ekspertizadan o'tkazish va xulosa olish uchun kelib tushgan.

Shartnoma loyihasini o'rganish davomida quyidagilar aniqlandi:

Shartnoma loyihasi O'zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksi va "Xo'jalik yurituvchi subyektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to'g'risida"gi Qonun hamda boshqa qonun hujjatlari talablari asosida to'g'ri ishlab chiqilgan.

Yuqoridagilarni inobatga olib, huquqiy ekspertizadan o'tkazish natijalariga ko'ra:

Xulosa qilaman:

Furqat tumani Xalq ta'limi tomonidan budjetdan mablag' oluvchi mussasalarda joriy ta'mirlash ishlarini bajarish to'g'risidagi № 42-sonli shartnoma loyihasi amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan.

Furqat tuman YuXKM
bosh yuriskonsulti



M.M.Axmedov

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Фуркат тумани ХТБ мудури

комиссия раиси:  М.Ортиқов

“17” 08. 2022 йил

Фуркат тумани Халқ Таълими бўлими тасарруфидаги 3-сонли мактаб биносини иситиш тизимини жорий таъмирлаш ишларини амалга ошириш учун 2022йил бюджетдан (ШХР 100022860302387092100075039) ажратилаётган маблағларни мақсадли ва оқилона сарфланишини таъминлаш мақсадида танлов ўтказиш бўйича харид комиссиясининг йиғилиш

БАЁНИ № 11

Қатнашдилар:

- Комиссия раиси --- М.Ортиқов Фуркат тумани ХТБ мудури,
Комиссия аъзолари --- Д.Умурзаков ХТБ мудури ўринбосари,
Ж.Юлдашев Фуркат тумани ХТБ бош мухандиси,
А.Тошқўзиев Фуркат тумани ХТБ бош ҳисобчиси,
А.Усмонов товар моддий қийматликлар бўйича ҳисобчи.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 22 апрелдаги ЎРҚ -684 сонли “Давлат харидлари тўғрисидаги” ги қонунига мувофиқ 2022 йил 8 июль 2022 йил куни энг яхши таклифларни танлашга жойлаштирилган лот №121204 рақамли Фуркат тумани ХТБ тасарруфидаги 3-сонли мактаб биноси иситиш тизимини жорий таъмирлаш ишларини бажариб бериш учун товар хом ашё биржасининг махсус ахборот порталига 08.07.2022 йилдан 18.07.2022 йил кунигача 5 иш кунига эълон жойлаштирилган. Ушбу эълон бўйича 18.07.2022 йилгача 2 нафар қурилиш соҳасига ихтисослашган корхоналардан таклифлар келиб тушди.Жумладан:

" Навбахор голд строй инвест" МЧЖ,

“Бинокор” х/к лар томонидан таклифлар келиб тушган.

Таклифлар бўйича комиссия аъзолари ўрганиб чиқиб 19.07.2022 йил куни баҳоланган ва 2 иш куни мобайнида муҳокамага кўйилган. 22.07.2022 йил кунигача 2 иш куни мобайнида эътирозлар келиб тушмади. ХТБ тасарруфидаги 3-сонли мактаб биноси иситиш тизимини жорий таъмирлаш ишлари бўйича голиб деб топилган “Бинокор” хусусий корхонаси билан шартнома имзоланди.

ХТБ мудури ўринбосари:

Фуркат тумани ХТБ бош мухандиси:

Фуркат тумани ХТБ бош ҳисобчиси:

Товар моддий қийматликлар бўйича ҳисобчи:

 Д.Умурзаков

 Ж.Юлдашев

 А.Тошқўзиев

 А.Усмонов

"УТВЕРЖДАЮ"



Директор РТБ мундари
М. Орфинов
"20" июля 2022 г.

ДЕФЕКТНЫЙ АКТ

Мы нижеподписавшиеся от заказчика *Директор РТБ Гасфаров Идрис 3-сони мундари* произвели
Вынос шибши газлиши торш камирлаш осмотр на предмет определения объемов работ на и установили, что необходимо произвести нижеследующие работы:

№ п/п	Наименование работ	Ед. изм.	Количество
1	ПРОКЛАДКА ТРУБОПРОВОДОВ ОТОПЛЕНИЯ ИЗ СТАЛЬНЫХ ВОДОГАЗОПРОВОДНЫХ НЕОЦИНКОВАННЫХ ТРУБ ДИАМЕТРОМ: 50 ММ ОБЫКНОВЕННЫЕ 50X3.5 ММ	100 М ТРУБОПРОВОДА	1,5333
2	ПРОКЛАДКА ТРУБОПРОВОДОВ ОТОПЛЕНИЯ ИЗ СТАЛЬНЫХ ВОДОГАЗОПРОВОДНЫХ НЕОЦИНКОВАННЫХ ТРУБ ДИАМЕТРОМ: 32 ММ ОБЫКНОВЕННЫЕ 32X3.2 ММ	100 М ТРУБОПРОВОДА	3,0666
3	ПРОКЛАДКА ТРУБОПРОВОДОВ ОТОПЛЕНИЯ ИЗ СТАЛЬНЫХ ВОДОГАЗОПРОВОДНЫХ НЕОЦИНКОВАННЫХ ТРУБ ДИАМЕТРОМ: 20 ММ ОБЫКНОВЕННЫЕ 20X2.8 ММ	100 М ТРУБОПРОВОДА	1,2
4	ПРОБИВКА В КИРПИЧНЫХ СТЕНАХ ОТВЕРСТИЙ КРУГЛЫХ ДИАМЕТРОМ: ДО 50 ММ ПРИ ТОЛЩИНЕ СТЕН ДО 38 СМ	М	120
5	ЗАДЕЛКА ОТВЕРСТИЙ В МЕСТАХ ПРОХОДА ТРУБОПРОВОДОВ В: СТЕНАХ И ПЕРЕГОРОДКАХ ОШТУКАТУРЕННЫХ	100 ШТ	0,2
6	МАСЛЯНАЯ ОКРАСКА МЕТАЛЛИЧЕСКИХ ПОВЕРХНОСТЕЙ: РЕШЕТОК, ПЕРЕПЛЕТОВ, ТРУБ ДИАМЕТРОМ МЕНЕЕ 50 ММ И Т.П., КОЛИЧЕСТВО ОКРАСОК	100 ОТВЕРСТИЙ	0,2
7	ГИДРАВЛИЧЕСКОЕ ИСПЫТАНИЕ ТРУБОПРОВОДОВ СИСТЕМ ОТОПЛЕНИЯ, ВОДОПРОВОДА И ГОРЯЧЕГО ВОДОСНАБЖЕНИЯ ДИАМЕТРОМ: ДО 50 ММ	100 М2	0,5
8		100 М ТРУБОПРОВОДА	5,7999

Р.ТБ. мундари җиринбасори: _____ *Д. Мурзатов*
Баш мурхандис: _____ *М. Идрисов*
Баш кесибчи: _____ *Д. Гомкушев*
Җебәр мәддәһи җәһизләп: _____ *Д. Урманов*
Башча кесибчи: _____